

НАМАНГАН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

“Бошланғич таълим методикаси”

кафедраси доценти, филология фанлари

номзоди Ҳамидова Муҳайёхон

**Устозлар тажрибасининг ёшлар
тарбиясида тутган ўрни номли**

МАҚОЛАСИ

УСТОЗЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА TUTTГАН ЎРНИ

Наманган давлат университети
Педагогика факультети
“Бошланғич таълим методикаси”
кафедраси доценти, филология
фанлари номзоди Ҳамидова Муҳайёхон

“Барчамизга аёнки, инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади. Шунинг учун қачонки бу ҳақда гап кетса, аجدодларимиз қолдирган бебаҳо меросни эслаш билан бирга, ота-оналаримиз қатори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк зот-ўқитувчи ва мураббийларнинг олижаноб меҳнатини ҳурмат билан тилга оламиз” деб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас қуч” асарларида таъкидлаб ўтганларидек, педагогларнинг олиб бораётган фаолияти, уларнинг ёш авлод таълим-тарбиясида ўйнаётган муҳим ўрнига алоҳида тўхталимай иложи йўқ. Шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда Наманган давлат университетида узок йиллар ишлаган, жамиятга муносиб кадрларни етказиб беришда ўзининг муносиб ҳиссаларини қўшаётган физика-математика фанлари номзоди, доцент Ҳолмуродов Маматхон Қўчқорович ва педагогика фанлари номзоди, доцент Улухужаев Нарзуллохон Зиёвадиновичларнинг фаолиятларига кенг тўхталишни ўринли деб билдик.

М.Қ.Ҳолмуродов 40 йилдан буён Наманган давлат университети фаолият олиб боради. 2014 йилдан бошлаб Наманган давлат университети “Бошланғич таълим методикаси кафедраси”да доцент вазифасида ишлаб келмоқда.

У ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом ва баркамол бўлиб камол топишида замон талаблари билан ҳамнафас изланишлари билан намунали педагогик ва устоз сифатида фаолиятини олиб бормоқда.

М.Қ.Ҳолмуродов бакалавр йўналиши ва магистр мутахассислигида таълим олаётган талабаларга математик таҳлил, эҳтимоллар назарияси ва

математик статистика, иқтисодий математик усуллар ва моделлар, математика, олий математика асослари каби фанлардан таълим-тарбия бериб келмоқда. У фақат педагогика, математика ва уни ўқитиш билан чекланиб қолмай, математикани амалиётга қўллаш орқали талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзи ва урф-одатларимиз, экологик муҳитнинг мусаффо бўлишига оид тушунтириш ишларини баҳс-мунозаралар асосида ҳаётга боғлаб, турмуш тарзидан келиб чиққан ҳолда, маънавий ва маърифий ишларни намунали олиб бормоқда. Унинг Ҳалқаро грант асосида ёзилган “Иқтисодий математик усуллар ва моделлар” номли китоби Республиканинг Олий ўқув юртларида дарслик ва ўқув қўлланма сифатида фойдаланиб келинмоқда.

М.Қ.Холмуродов университет моддий-техника базасини яхшилаш ва фаолиятини ривожлантириш бўйича муайян ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, у 2003-2005 йилларда амалий тадқиқотлар доирасидаги ИТД-14 сонли, 2007-2011 йилларда фундаментал тадқиқотлар доирасидаги ОТ-ФЗ-109 сонли, 2012-2013 йилларда инновацион тадқиқотлар доирасидаги И-2012-36-сонли, ҳозирги кунда бажарилиши 2013-2014 йилларга мўлжалланган инновацион тадқиқотлар доирасидаги И-2013-65-сонли грантлар соҳиби бўлиб илмий изланишлар олиб борган ва олиб бормоқда. У топшириқларни ўз вақтида сифатли бажарадиган, жамоат ишларида фаол қатнашувчи, ҳалол, хушмуомалали, меҳнатсевар илм соҳиби, педагог ва устоздир.

М.Қ.Холмуродов талаба ва ёш ўқитувчиларни илмий тадқиқот ишларига жалб қилишда тинмай изланишлар олиб боради. Жумладан, унинг раҳбарлигида 4 та магистрлик диссертацияси ҳимоя қилинди ва жуда кўп талабаларнинг илмий ишлари чоп этилди. У 152 та илмий ва илмий-услубий ишлар, хусусан, 60 та илмий мақолалар (улардан 16 таси хорижда, 25 таси Олий Аттестация комиссияси рўйхатидаги журналларда), 38 та тезис (улардан 11 таси хориждаги илмий-амалий анжуманларда, 27 таси республика илмий-амалий анжуманларида) ни чоп эттирди. М.Қ.Холмуродовнинг кейинги йиллардаги илмий ишлари математиканинг

тиббиёт, иқтисодиёт, география ва математика ўқитиш муаммоларига бағишланган бўлиб, уларинг натижалари жаҳоннинг АҚШ, Канада, Германия, Англия, Швеция, Польша, Россия, Белоруссия каби давлатларда ўтказилган Халқаро анжуманларнинг материалларида қайд этилган.

М.Қ.Ҳолмуродов кўп маротаба вилоят ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда университетнинг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланган. У ҳозирда университет ижтимоий ҳаётида ўзининг ташкилотчилиги, ишбилармонлиги билан алоҳида мавқега эга.

Улухужаев Нарзуллохон Зиёвадинович 1956 йилнинг 21 августида Наманган вилояти Чуст туманидаги Варзик қишлоғида ишчи оиласида туғилган. 1963 йилдан 1973 йилгача Варзик қишлоғидаги 13 -ўрта мактабда таҳсил олди. Ўрта мактабни битиргач, 1973 йил собиқ Наманган давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетига ўқишга қабул қилинди. Олийгоҳни имтиёзли диплом билан тугатиб, йўлланма билан Чуст тумани Ахча қишлоғидаги 18-мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлади, 1978 йилнинг сентябрь ойида устозлари уни Наманган давлат педагогика институтига ўзи таҳсил олган факультетига ишга таклиф қилишди ва танловдан ўтгач, рус тили ва адабиётини ўқитиш методикаси кафедрасида ассистент- ўқитувчиси лавозимида фаолият кўрсата бошлади. 1979 йилнинг ноябридан 1981 йилнинг апрелигача Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтади ва 1981 йилнинг май ойидан бошлаб кадрдон кафедрасига ишга қайтди. 1985 йилнинг декабрь ойида собиқ СССР Педагогика Фанлари академияси қошидаги миллий мактабларда рус тили ўқитиш илмий-тадқиқот институтининг кундузги аспирантурасига кириш имтиҳонларини муваффақияти топшириди ва филология фанлари доктори профессор В.В.Иванов раҳбарлигида номзодлик диссертацияси устида илмий изланиш олиб борди. 1988 йилнинг 25 февралда **“Описание как тип монологической речи и методика работы над ним в национальных группах языкового вуза”** мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва собиқ СССР Олий

Аттестация Ҳайъатининг 22 июндаги қарори билан педагогика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди. Шу йилнинг апрель ойидан бошлаб Наманган давлат педагогика институти рус тили ва бошланғич синфларда уни ўқитиш методикаси кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, кафедра мудири лавозимларида ишлади.

1993 йилнинг апрель ойида Нарзуллохон Улухужаев Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Раёсатининг қарори билан доцентлик илмий унвонига эга бўлди. 1998 йилгача педагогика факультети деканининг сиртки ва кундузги таълим бўйича ўринбосари лавозимида ишлади. 1998 йилдан 2001 йилгача Наманган вилоя педагог ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида “Жаҳон тиллари” кафедраси мудири, илмий-услубий ишлар проректори лавозимларида ишлади. 2001 йилдан бошлаб Намаманган давлат университетида қайтди ва бошланғич таълим методикси кафедраси доценти лавозимида фаолият кўрсата бошлади. 2004-2005 йилларда Наманган давлат университети услубий бўлимини бошқарди. Бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини ишчи ўқув режаларини қайта тайёрлаш жараёнини бошқарди, ўқув-услубий кенгаш фаолиятини такомиллаштиришга ҳисса қўшди. 2005-2006 йилларда университет ўқув-услубий, 2007 йилда ички назорат ва мониторинг бўлимини бошқарди. Халқ таълими вазирлиги қошидаги республика таълим марказининг рус тилини ўқитиш шуъбаси методик кенгаши аъзоси сифатида Н.Улухужаев бошланғич синф рус тили дарсликларини таҳлил қилиш ва такомиллаштиришда фаол иштирок этди.

Доцент Н.Улухужаев 40 дан ортиқ илмий ва илмий-методик мақолалар, 10 га яқин ўқув-услубий қўлланмалар яратган. Н.Улухужаевни кафедранинг илмий-методик салоҳиятини оширишда хизматлари каттадир. Жумладан, “Битирув малакавий ишларни тайёрлаш ва уларни ҳимоя қилиш”, “Талабалар мустақил ишларини ташкил этиш ва ўтказиш” номли услубий кўрсатмаларни университетда биринчилар қаторида тайёрлаб тақдим этди, улардан университет миқёсида фойдаланилмоқда. Шу билан

бир қаторда, таълим рус тилида олиб бориладиган гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштиришда кафедрага катта амалий ёрдам кўрсатиб келаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Кўп йиллик тажриба натижаларини умумлаштириб, 2015 йилда “Бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналишини таълим рус тилида олиб бориладиган гуруҳлари ҳамда “Рус тили таълими” йўналиши талабалари учун “Сборник упражнений по родному языку” номли қўлланма яратди.

Ҳозирги кунда у талабаларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида ҳам фаол иштирок этади. 2014 йилдан бошлаб Наманган давлат университети сифат комиссиясини бошқариб келмоқда.

Наманган давлат университетида узоқ йиллар фаолият олиб борган ва бораётган бу икки педагогнинг меҳнатлари самарасига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов ҳам “Ўз-ўзини эл ишига бағишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан олийжаноб ўқитувчиларни, мўътабар муаллимларни бундан буён ҳам бошимизга кўтарамиз” деб таъкидлаб ўтган фикрларини муносиб баҳо деб айта оламиз.

Дарҳақиқат, педагогларнинг заҳматли меҳнатлари қадрига йиллар ўтиши билан етамиз, тушунамиз.